



## Theoretical and legal basis of attorney request

Dilshodbek NURUMOV <sup>1</sup>

Tashkent State University of Law

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received July 2022

Received in revised form

20 July 2022

Accepted 25 August 2022

Available online

15 September 2022

**Keywords:**

advocate, advocacy, lawyer's  
inquiry, qualified legal  
assistance

### ABSTRACT

This article discusses the concept and features of lawyer's inquiry. The legislation of Uzbekistan and International experience were studied. Problems arising during the lawyer's request were analyzed to obtain necessary information.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp296-300>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Адвокат сўровининг назарий-ҳуқуқий асослари

**Калит сўзлар:**

адвокат, адвокатура,  
адвокат сўрови, малакали  
юримдик ёрдам

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада адвокат сўрови тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинади. Адвокат сўрови бўйича Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро тажриба ўрганилди. Зарур маълумотларни олиш учун адвокат сўрови жараёнида юзага келадиган муаммолар таҳлил қилинди.

## Теоретическая и правовая основа адвокатского запроса

**Ключевые слова:**

адвокат, адвокатура,  
адвокатский запрос,  
квалифицированная  
юридическая помощь

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются понятие и особенности адвокатского расследования. Изучено законодательство Узбекистана и международный опыт. С целью получения необходимой информации были проанализированы проблемы, возникающие в ходе адвокатского запроса.

<sup>1</sup> Acting Associate Professor of Department of Court, law enforcement agencies and advocacy of Tashkent State University of Law  
E-mail: d.nurumov@tsul.uz

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатура соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун- моҳияти, мақсади, аввало, адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, кучли мустақил адвокатура тизимини шакллантириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратишга қаратилган. Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида адвокатура институтини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларига риоя этилаётганининг ёрқин намунасидир. Шу ўринда адвокатлик фаолиятидаги малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган муҳим ҳужжатлардан бири бўлган адвокат сўрови масаласининг назарий ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Н.Д.Эриашвилининг фикрича, адвокат ўзига ишонч билдирган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Шу ўринда адвокатнинг давлат органларига сўровлар юбориши фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усулларида биридир.

Таъкидлаш лозимки, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7<sup>1</sup>-моддасида адвокат давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мазкур органлар ҳамда ташкилотларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан адвокат томонидан малакали юридик ёрдам кўрсатилиши учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш масалалари юзасидан адвокат сўровини юборишга ҳақли деб белгилаб қўйилган.

Мазкур Қонуннинг 6-моддасида адвокатнинг ҳуқуқлари доирасида юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат томонидан сўралган ҳужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини қонунчиликда белгиланган тартибда бериши шарт бўлган давлат органлари ва бошқа органлардан, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқи келтириб ўтилган.

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, адвокатлар адвокат сўрови бўйича давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан адвокатнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиши учун зарур бўлган маълумотлар, ахборотлар, маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилганлиги учун давлат божи ва бошқа барча тўловларни тўлашдан озод этилган.

Адвокат сўрови ўз ичига оладиган бир қатор талаблар мавжуд.

Адвокат сўровида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

сўров юборилаётган давлат органи ёки бошқа органнинг, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотнинг номи ва почта манзили;

адвокатнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

адвокат ўз фаолиятини амалга ошираётган адвокатлик тузилмасининг номи, почта манзили, электрон почта манзили, телефон рақами;

адвокат сўровини қайд этиш дафтаридаги адвокат сўровининг рўйхатдан ўтказилганлик рақами ва санаси;

адвокат кимнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган бўлса, ўша жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг номи;

юримдик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот (хужжатлар);  
сўралаётган ахборотни (хужжатларни) бериш усули (почта жўнатмаси, факсимил алоқа, электрон почта, бевосита топшириш);  
адвокатнинг имзоси [1].

Адвокат сўровини бажариш муддатини чуқур қиёсий таҳлил қилмасдан у ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 71-моддасида ахборот (хужжатлар), шунингдек, уларнинг кўчирма нусхалари адвокат сўрови олинган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай тақдим этилиши назарда тутилган.

Агар давлат органи ёки бошқа орган, шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот сўралаётган ахборотга (хужжатларга) эга бўлмаса, улар ўзларига мурожаат этган адвокатга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда хабар қилиши шарт.

Адвокат томонидан иш бўйича суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси бошланганлиги тўғрисида далолат берадиган хужжат тақдим этилган тақдирда, сўровда кўрсатилган ахборот (хужжатлар) уч иш кунидан кечиктирмай тақдим этилиши керак. Демак, адвокат сўровига оид энг кам муддат жиноят ишлари бўйича эканлигини кўриш мумкин. Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолат асосли ҳисобланади, чунки жиноят иши бўйича ҳимоячи сифатида иштирок этувчи адвокатнинг фаолияти фуқароларнинг ҳаракатланишини чекловчи айрим мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкинлиги сабабли энг муҳим ҳисобланади. Шу сабабли қонун чиқарувчи адвокатнинг ҳуқуқи сифатида нафақат адвокат сўровини бажариш учун қисқароқ умумий муддатни, балки жиноят процессида, шу жумладан, ундириш пайтида ҳимоячининг сўровларини бажариш учун махсус муддатни ҳам таъминлаши керак.

Адвокат сўрови бўйича муддатларни бир қатор хорижий давлатлар мисолида кўриб чиқамиз. Қирғизистон Республикасининг “Адвокатлик фаолияти ва юримдик ёрдам тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида адвокат сўровини бажариш муддати – 14 иш куни этиб белгиланган [2].

Қозоғистон Республикасининг “Адвокатлик фаолияти ва юримдик ёрдам тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасида иш кўриб чиқилаётган муддат - ўн иш куни қилиб белгиланган [3].

Энг қисқа муддат Украинада ҳисобланади. “Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Украина Қнунига мувофиқ, 20 кунгача узайтириш имконияти билан беш кунлик муддат белгилаб қўйилган [4].

Россия Федерациясининг “Адвокатлик фаолияти ва адвокатура тўғрисида”ги Қонунининг 6.1-моддасида адвокат ушбу Федерал қонунда белгиланган тартибда давлат органларига, маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат бирлашмаларига ва бошқа ташкилотларга ушбу органлар ва ташкилотларнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича сертификатлар бериш бўйича расмий мурожаат юбориш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган органлар ва ташкилотлар адвокат сўрови олинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай сўралган хужжатларни ёки уларнинг тасдиқланган нусхаларини бериши керак [5]. Демак, Россияда бир қатор масалалар ҳал этилмаган бўлиб, улардан энг муҳими адвокат сўрови қабул қилинган шахслардан адвокатнинг сўрови бўйича маълумот беришлари шарт бўлган ҳаддан ташқари узоқ муддат ҳисобланади. Яъни адвокат сўрови чиқарилган кундан бошлаб ўттиз кун. Бундан ташқари, қонун чиқарувчи сўралаётган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш учун қўшимча вақт

талаб қиладиган ҳолларда, кўрсатилган муддат узайтирилиши мумкинлиги, лекин ўттиз кундан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилган, бунда адвокат сўровини юборган адвокатга бу ҳақда билдирги юборилади. Ушбу Қонуннинг 6.1-банди сўровни қабул қилувчиларнинг адвокат сўровини кўриб чиқиш муддати узайтирилган тақдирда адвокатни хабардор қилиш мажбуриятини белгилаб қўйган [6].

Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 5.39-моддаси ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этувчи муқобил ҳаракатлардан бири сифатида адвокатнинг сўровини кўриб чиқиш муддатини узайтириш факти тўғрисида адвокатга хабар бермасликни назарда тутмайди [7]. Россия Федерацияси Адвокатлар Федерал палатаси томонидан адвокатларнинг сўровлари орқали маълумот олиш ҳуқуқининг бузилиши тўғрисида сўров ўтказилган. Сўровда қатнашган адвокатларнинг 86,8 фоизи уларнинг сўровига ўттиз кундан ортиқ муддатда жавоб берилганлигини, адвокатнинг сўровини кўриб чиқиш муддати узайтирилганлиги тўғрисида хабардор қилинмаганлиги ҳақида маълум қилган. Сўров натижаларига кўра адвокатларнинг 19,1 фоизи уларга адвокат сўровига жавоб бериш муддати 30 кундан 60 кунгача узайтирилганлиги ҳақида хабардор қилинганлигини айтган. Бундай салбий ҳолатлар ўз сўровларини юборган ва уларнинг тез бажарилишини кутаётган адвокатларни ноқулай аҳволга солиб қўяди, чунки муддат узайтирилгани ҳақида уларга хабар бермаслик адвокат учун ноаниқлик ҳолатини юзага келтиради. Бу давр узоқ вақтдан бери олимлар ва амалиётчилар томонидан танқид қилиниб, бир овоздан уни қисқартириш зарур деб ҳисобланган. Бизнинг фикримизча ҳам адвокатлик сўровига узоқ муддатда жавоб бериш адвокатнинг ҳуқуқларига зиён етказди, қайсидир маънода унинг имкониятларини чеклаб қўяди, чунки адвокат сўровига асосан, маълумотни ўз вақтида тақдим этилмаганлиги сабабли ушбу маълумотларнинг аҳамияти бутунлай пасайиши ҳамда мазкур муддат ичида процессуал вазият тубдан ўзгариб, бошқа муҳим процессуал қарорлар қабул қилиниши мумкин. Натижада олинган маълумотлар ё фойдасиз бўлади ёки иш юритиш учун мўлжалланган қийматга эга бўлмайди.

Шу ўринда адвокат сўровини асосли рад этилиши ҳолатларига тўхталиб ўтамиз. Кочанованинг фикрича, адвокатнинг сўровида давлат сири, тижорат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа маълумотларни тақдим этиш сўралганида сўровда кўрсатилган маълумотлар тақдим этиш рад этилади [8].

Агар адвокатлик сўровини олган субъект сўралаётган ҳужжатларга эга бўлмаса ёки маълумотларда давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир мавжуд бўлса, шунингдек, адвокат сўровида кўрсатилиши лозим бўлган ҳужжатлар кўрсатилмаган бўлса, сўралаётган ҳужжатларни адвокатга тақдим этиш рад этилиши мумкин [9]. Бундан ташқари бошқа ҳолатларда адвокатлик сўровига жавоб бермаслик ноқонуний ҳисобланади. 2018 йилгача адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкилотларга йўллаётган сўровлари кўп ҳолларда энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилаётган ва адвокатнинг сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 майдаги Фармонида биноан адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида

тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Фикримизча, бу юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб сўров юбораётган адвокатлар учун адолатли қарор бўлди, унга асосан, адвокатларнинг сўровлари ҳеч қандай сабабларсиз, асосларсиз рад этилиши ҳолатлари камайишига замин яратди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адвокат сўрови фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муҳим механизм ҳисобланади. Шу сабабли давлат органлари, корхона ва ташкилотлар томонидан адвокат сўровига жавоб бермаслик ёки била туриб ёлғон маълумот тақдим этганликда ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ёхуд ушбу масала юзасидан адвокат фаолиятига бошқача тарзда тўсқинлик қилганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликни янада кучайтириш, яъни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, № 2, 48-модда.
2. «Закон об Адвокатуре Кыргызской Республики и адвокатской деятельности» от 14 июля 2014 года № 135 (в редакции Законов КР от 27 июля 2016 года № 147, 12 декабря 2016 года № 196, 19 апреля 2017 года № 61).
3. Об адвокатской деятельности и юридической помощи: Закон Республики Казахстан от 5 июля 2018 г. № 176-VI (с изм. по состоянию на 06.05.2020 г.) – URL: [https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=33024087](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=33024087) 11.
4. Об Адвокатуре и адвокатской деятельности: Закон Украины от 5 июля 2012 г. № 5076-VI (с изм. и доп. по состоянию на 04.03.2020 г.) – URL: [http://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31241805](http://continent-online.com/Document/?doc_id=31241805).
5. Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации: Федеральный закон от 31 мая 2002 г. № 63-ФЗ (ред. от 02.12.2019 г.) // Справ.-прав. система «Консультант Плюс».
6. Об адвокатской деятельности и адвокатуре в Российской Федерации: Федеральный закон от 31 мая 2002 г. № 63-ФЗ (ред. от 02.12.2019 г.) // Справ.-прав. система «Консультант Плюс».
7. Постановление Мирового судьи судебного участка № 363 района Хамовники г. Москвы от 19 июня 2017 г. по делу об административном правонарушении № 5-476/2017. – URL: <http://mos-sud.ru/services/servicetext/servicetextas/?id=8496502&year=2017>
8. Кочанова Т. Адвокатский запрос и проблемы реализации права адвоката на сбор информации / Т. Кочанова // Жилищное право. - 2018.- № 6.- С. 86.
9. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, № 2, 48-модда.